

# Расулбек ПОЛВАНОВ

## ТИББИЁТ ИЛМИНИНГ ТОҶДОР ДАҲОСИ

(илмий-публицистик очерк)


### (2-ҚИСМ)

Ибн Синонинг ўз давридаги йирик олимлар, жумладан, Абу Райхон Беруний билан бўлган илмий мунозаралари ҳам тахминан шу йиллардан бошланди. У ўзининг биринчи илмий асарларини ҳам Бухорода ёзади. Шу залда ибн Сино бу кутубхонада 10 йил илм сирларини эгаллади.

Ибн Сино Беруний томонидан берилган 18 саволга жавоб берадики, булардан 10 таси Аристотельнинг «Осмон ҳақидаги китоб»ига ва 8 таси «Физика» китобига тегишли. Масалан, ўз қўшнисини ва дўсти Абу-л-Хусайнал-Арузийнинг илтимосига биноан риёзиётдан бошқа барча фанларни ўз ичига олган «Ал-ҳикматал-Арузий» номли асарини бошқа бир дўсти ва таҳсир илмининг билимдони Абу Бакрал-Барқий ал-Хоразмийга энциклопедик характерга эга бўлган 20 жилдлик «Ал-Хосилва-л-Маҳсул» деб аталган асарини ёзади.




IX-XII асрларда яшаб ижод қилган  
Ўрта Осиёлик буюк алломалар ва уларнинг жаҳон  
цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссалари



Нух ибн Мансурнинг ўлимидан кейин ҳам ибн Сино Бухорода фаолият юритди. 999- йили Илик хони Бухорони босиб олиб, Сомонийлар сулоласи бар ҳам топгандан кейин ҳам шу ерда бўлади. 1002 йили ибн Синонинг отаси вафот этади. Бу вақтда Сомонийлар вориси Мунтасир хукмронлик қилар эди. Лекин Илик хони Мунтасир салтанатига доим хавф-хатар солиб турар эди. 1005 йилда Мунтасир Илик хони томонидан қатл этилади. Сомонийлар тахти тикланишидан умиди қолмаган ибн Сино Бухорони тарк этиб, Хоразмга йўл олади.

Хоразм – Ўрта Осиёнинг қадимий бой маданий вилоятларидан бири эди. IX-X асрларда Хоразмнинг иқтисодий жихатдан ривожланиши, илм-фан, ҳамда маданиятнинг гуллаб-яшнади. Маълумки, иқтисодиётнинг тараққиёти ўз навбатида маданий ҳаётнинг ҳам ривожланишига олиб келади. Араб сайёҳи, географ Муқаддасийнинг сўзларига қараганда — Хоразм халқи ақл-заковатли, фикх илмини эгаллаган маърифатли кишилар эдилар.



Бу даврда Хоразмда Маъмун Байтул Хикмаси (Маъмун Академияси) энг қизғин фаолиятлар билан машғул эди. Бу ерда олим ва табиб Абу Сахл ал-Масихий, тарихчи Ибн Мисковайх, йирик математик ва астраном Абу Наср ибн Ироқ, машхур файласуф ва табиб Абул Хайр Хаммор, буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний сингари куплаб олимлар тўпланган эдилар. Хоразмда Али ибн Маъмун амир эди. Унинг вазири эса илм-фанни севувчи Абул Хусайн ас-Саҳлий эди.

«Маъмун Академияси» номини олган ўша пайтдаги илмий уюшмани ўз мазмуни, моҳияти, мақсад ва вазифалари жихатидан ҳозирги замон Фанлар Академиясига монандлигини англаш қийин эмас.

Ибн Сино паноҳ истаб келган Хоразмда аҳвол мана шундай эди. Абу Али Ибн Сино эгнига фақиҳ-қонуншунос одамлар кийимини кийиб, шаҳарга кириб боради. Ўша пайтларда бундай либос кийганларга хурмат ва эҳтиром билан қаралган. Уларнинг бегоналиги унчалик сезилмасди. Ибн Сино тўғри амир хузурига киради. Амир унга ибн Сино ибораси билан айтганда «ўзига ўхшаганларга кифоя қиладиган ойлик тайин қилди»[1].



Билимдонлиги, кучли илмий салоҳияти, ўз замонасидаги мавқеъи ва нуфузи юксаклиги туфайли ибн Синони Хоразмдаги «Маъмун Академияси»га қабул қилиниши тасодифий эмас, балки, адолатдан эди. Яъни машхур қомусий олимнинг «Маъмун Академияси»да юқорида номлари зикр

этилган алломай замонлар қаторига қўшилганлиги бежиз эмас эди. Шу вақтгача Бухорода уз илму-закомати донг таратган Абу Али ибн Синонинг сиймоси Абу Райхон Берунийнинг диққатини тортган эди. Илгарилари бу икки олим ўртасида фаннинг ҳар ҳил сохаларида илмий ёзишмаларнинг бўлиб турганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Ибн Сино билан Беруний ўртасидаги дўстлик ришталари асосида Хоразмда бўлган учрашув янада ажойиб тус олади. Улар илгарилари ёзишмалар орқали таниш бўлган бўлса, энди учрашиб турадиган бўлишди. Урганчда бўладиган илмий анжуманлар яна ҳам мароқ билан ўтадиган бўлади.

Хоразмнинг Қутайба ибн Муслим бошчилигида араблар томонидан 715 йилда босиб олинганга қадар моддий маънавий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар сақланмаган. Тарихий Манбаларда келган маълумотларга қараганда истилочилар Хоразмда ҳамма нарсани, китобларни ҳам, ўқиш ёзишни билган одамларни ҳам йўқ қилиб юборганлар. Араблар истилоси Хоразмнинг иқтисодий ҳамда маданий ҳаётига катта путур етказди. «Қутайба ибн Муслим ал-Бохилий Хоразм хаттотларини қатл этиб, дин пешволарини қириб ташлаб, уларни китоблари ҳамда қўлёзмаларини ёқиб юборгандан кейин – деб ёзган эди Беруний, — Хоразмликлар саводсиз бўлиб қоладилар ...»[2].



Хоразмни майда чуйда қисмларга бўлиниб кетиши VIII – IX асрларнинг биринчи ярмидаги Хоразм тарихида муҳим ўрин тутган ҳодиса бўлади. Жанубий Хоразм африғийлар сулоласига мансуб бўлган Хоразмшоҳ тасарруфида бўлиб, маркази Кот (ҳозирги Беруний) шаҳри эди. Шимолий Хоразмга маҳаллий Амир бошчилик қилган пойтахти Гурганж (ҳозирги Урганч) эди. Гурганж ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад тарқоқликни тугатгунига қадар бу икки ҳокимият мустақил бўлган.

Хоразмни майда чуйда қисмларга бўлиниб кетиши VIII – IX асрларнинг биринчи ярмидаги Хоразм тарихида муҳим ўрин тутган ҳодиса бўлади. Жанубий Хоразм африғийлар сулоласига мансуб бўлган Хоразмшоҳ тасарруфида бўлиб, маркази Кот (ҳозирги Беруний) шаҳри эди. Шимолий Хоразмга маҳаллий Амир бошчилик



IX-X асрларда Хоразм ташки хужумлардан анча холи бўлган. Бу эса мамлакатда савдо, хунармандчиликнинг гуллашига, дехқончиликни, шунингдек, шаҳарларни ривожланишига олиб келди. Халифалик шаҳарларидан фикх, адабиёт ҳамда Қуръонни ўрганиш соҳасида шогирди бўлмаган хоразмлик имом *(бу ерда йирик олим маъносида – муалл.)*


камдан кам учрайди. Сарой вазири Абул Хусайн ас-Сахлий фақат вазиргина эмас, илм-фан муҳиби, шоир, адиб ва олимларнинг раҳнамоси ва хомийси эди. Ибн Сино Бухородан Урганчга келгач, бу икки олим ўртасида илмий алоқалар вужудга келади. Жумладан, Ибн Сино ўзини «Китоб қиём ул-Арз фи васат ус-Само» («Ернинг осмон ўртасида туриши ҳақида китоб») ва «Дафъ ул-мазор ил-куллил анил-абдон ил-инсония бит-тадорики анвоъи хато ит-тадбир» («Инсон орзусида ҳар ҳил хато даволаниш оркасида пайдо бўладиган барча зарарли тассуротларни йўқотиш») номли китобларни Абул – Хусайн ас-Сахлий номига бағишлаган.

Ибн Сино Хоразмда етти йил истиқомат қилади. Олим шу етти йил ичида мислсиз кашфиётлар қиладиким, унинг шу орттирган тажрибалари кейинги илмий-амалий фаолиятининг асосий пойдевори вазифасини ўтайди. Жумладан, Ибн Сино кўп жилдлик «Аш-шифо» китобининг «Ал-Ҳайвон» қисмида 1006 йили Хоразмда бир фил кўргани ҳақида ёзади. Бу асарни бошқа ўринларида ҳам ибн Сино ҳайвонот дунёсида кўрган баъзи бир кизик ходисаларни ёзади. Шу билан бирга ибн Сино Хоразмга тушган метиоритни ҳам эритишга урингани ҳақида ҳам ёзади. Олим яна: Хоразмда сил касали билан оғриган аёлга шакардан қилинган гулқанддан бошқа дори тановул қилмасликни буюриб, натижада дарддан фориғ бўлгани ҳақида ўзининг «Тиб конунлари» китобида баён қилади.



Аммо у Хоразмда доимий кўним топа олмайди. Чунки бу орада кучайиб келаётган Ғазна ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга кўз олайтира бошлайди. Дастлаб Хоразм ҳукмдorigа синглисини узатиб, уни узига куёв қилиб олган Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкани ўзига қарам қилиш ниятида иш олиб боради. Дастлаб, Маҳмуд Хоразмга ҳар ҳил йўл билан таъсир кўрсатишга, уни ўзига қаратишга уринган. Хатто уни бутунлай Ғазнага бўйсундирган: Ўрта асрларда мавжуд бўлган анъанага мувофиқ Султон Маҳмуд Хоразмшоқдан мамлакатдаги барча олим-у фозилларни, шу жумладан, ибн Синони ҳам Ғазнага жўнатишни талаб этди ва Урганчга Абу Абдулло ал-Хусайн ибн Али Микол бошлиқ маҳсус элчилар гуруҳини юборади.

Хоразмшоҳ ғазнавийлар элчисини қабул қилишдан олдин ўз хузурига барча олим-у фузалоларни тўплаб, элчиликнинг мақсадини баён этади. Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр ибн ал-Хаммор, Абу Райхон Беруний ва бошқа олимлар Ғазнага боришга розилик билдирдилар. «Султоннинг (элчи юборишдан) кутган асосий мақсади – деб ёзади Низоми Арузи Самаркандий ўзининг «Тўрт мақола» китобида, — Абу Али (ибн Сино) ни ўз хузурига чорлаш эди». Шунинг учун у алломани қандай қилиб бўлса-да, қидириб топиб, Ғазнага олиб келиш учун барча чораларни ишга солди. «Абу Наср Ироқ рассом эди (Султон Махмуд) унга Абу Алини сиймосини қоғозга тушуришни буюрди, ҳамда, бошқа рассомларни тўплаб, ундан 40 дона нусха кўчиришларини буюрди. Мазкур нусхалар подшо фармони билан (барча) вилоятларга юборилди, ҳамда вилоят хукмдорларига «ушбу суратдаги киши Абу Али ибн Сино, бу кишини топиб, менинг хузуримга юборинглар» деб, буюрди». Аммо ибн Сино яхшилаб бекинишга муваффақ бўлган эди. Абу Саҳл Масихий ҳамда ибн Сино 1010-1011 йилларда Хоразмдан махфий равишда чиқиб, Журжонга қараб йўл оладилар. Абу Саҳл асли журжонлик эди. У ибн Синони ҳам ўзи билан бирга яшаш учун Журжонга таклиф қилган эди. Улар йўлбошловчиларнинг айби билан йўлда адашиб қолади. Сахрода сувсизликка чидолмай Абу Саҳл ал-Масихий вафот этади. Натижада йўлбошловчи билан ибн Сино кўп қийинчиликлардан сўнг хозирги Ашгаботдан 20 чақиримча нари бўлган Нисога,



ундан Абивардга етиб келадилар, сўнг йўл бошловчи орқасига қайтиб кетгандан кейин ибн Сино ўша ерда қолади. Зарурат тақазоси билан ибн Сино бу вақтда Хуросон шаҳарларини бирин-кетин бир нечасида бўлади. Лекин у буларни бирортасида ҳам ўзига доимий қўним тополмайди. Шу билан ибн Синони 1011-1012 йиллар орасида Хуросон шаҳарлари ва Табаристонда яшаганлиги манбааларда кўрсатилади. Ибн Сино бу шаҳарларда то осоишталикка путур етгунга қадар истиқомат қилади. 1012-1014 йиллар орасида Журжонда (хозирги Гургон) яшайди. Бу ерда у Абу Убайд Жузжоний билан танишади. Шундан бошлаб у йигит ибн Синога энг яқин ва содиқ шогирди бўлиб қолади ва устозини охири нафасигача ундан ажралмайди. Журжоний ибн Синони то Гургонга келгунгача бўлган таржимаи холини ўз оғзидан ёзиб олган, устоз хаётидаги, ундан кейинги воқеаларни ўзи ёзиб тугатган, шу туфайли биз ибн Синони хаёти ва ижоди хақида жуда ишончли манбаага эгамиз.

[1] Абдусодик Ирисов, «Хаким ибн Сино», Тошкент, 1992 й;

[2] Бўрибой Ахмедов, «Тарихдан сабоқлар», Тошкент, 1994 й